Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 20 DEKABR ◆ PAYSHANBA ◆ № 151 (26.853)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИК ҲИССАСИ

Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг Осиё маданияти ва тараққиёти институтининг ваколатхонаси хизмат кўрсатади. Институтнинг фаолият доираси кенг. Мақсад эса маданият, ижтимоий соҳаларда икки халқнинг ҳамкорликларини янада ривожлантириш. Бу борада ҳозиргача кўпгина ишлар амалга оширилган. Бошқа хамкорлик соҳалари қатори тиббиётда ҳам ўзбекистонликлар ва кореяликлар ўртасида илғор замонавий тажриба алмашишлар йўлга қўйилмоқдаки, бунда ушбу институтнинг тиббиёт соҳасидаги ходимларининг ҳам ҳиссаси бор.

Бундан ташқари Осиё тараққиёти институти шифохоналари Ўзбекистонда кўпроқ болалар касаллиги билан шуғулланаётганликлари, болалар уйини тиббий назоратдан ўтказишда ўзларининг беминнат хизматларини кўрсатаётганликлари эътиборлидир.

Жарроҳ Ли Браниславичнинг сўзларига кўра, ҳозир институт шифокорлари Тошкент педиатрия институти билан яқин ҳамкорлик қилишмоқда. Бу ерда жанубий кореялик шифокорлар билан ҳамкорликда болалардаги юрак хасталикларни даволашга мўлжалланган кардиология маркази очилган. Шунингдек, ТошПИ кутубхонасига ваколатхона ҳамкорлигида замонавий тиббиётга оид 8 мингдан ортиқ китоблар тақдим этилган. Айни пайтда ваколатхонада Тошкент тиббиёт олийгоҳларидан талабалар таклиф этилган бўлиб, улар бевосита инглиз тилида иш юритишга ўргатилаяпти. ТошПИга тортиқ этилган учта замонавий компьютер эса Корея тиббиётида эришилган ютуқлар билан таништириш, тажриба алмашиш имконини яратди.

Осиё маданияти ва тараққиёти институтининг Тошкент ваколатхонасида хизмат қилаётган шифокорлар кўпроқ жарроҳлик, кўз касалликлари, тиш ва юрак хасталиклари билан ишлашади.

Нисбатан кам таъминланган оилалар фарзандларига, Меҳрибонлик уйлари норасидаларига ва руҳий, жисмоний заиф болаларга кўрсатилаётган беминнат хизмат, зарур дори-дармон, ускуна, ногиронлик аравачаларининг бепул тарқатилаётгани ушбу шифокорлар фаолиятини муносиб баҳолашга далил бўлади.

Яқинда жарроҳ доктор Пак томонидан болалардаги жисмоний нуқсонларни тўғрилаш учун амалга оширилган пластик операциялар ўзбекистонлик шифокорлар томонидан ҳам юксак баҳоланди. Бу борада кенг тажрибалар алмашишга келишилди.

■ Малик МАНСУР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ:

ДЎСТЛИКНИНГ РАМЗИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва илдизлари қадимги Буюк ипак йўли даврларига бориб тақаладиган кўҳна тарих ҳақидаги фикр-мулоҳазалар таниқли тележурналист Н.Шим кўрсатувининг асосий мавзуси бўлди. Ушбу кўрсатув Япония телевидениесининг «TBC» канали орқали намойиш этилди.

Ўтган юз йилликнинг 40-йилларида юзага келган ҳолат, яъни тарих тақозоси билан кўп сонли японларнинг Ўзбекистон ҳудудида бўлиши ҳамда ўша кезларда ўзбек ва японларнинг саноат ва маданий иморатлар қурилишларида бирга, елкама-елка бўлиб меҳнат қилишгани, халқларимиз ўртасидаги ўзаро самимий муносабатлар кўрсатувда илиқлик билан ҳаққоний ҳикоя қилинади.

Бунёд этилишида Ўзбекистон ва Япония фуқаролари иштирок этган Алишер Навоий номидаги театр бугунги кунда ҳам икки халқ ўртасидаги ўзига хос дўстликнинг рамзига айланиб қолгани тасодифий ҳол эмас.

Айнан мана шу театр саҳнасида машҳур япон операсининг намойиш этилишида ҳам катта маъно бор. Бу кунчиқар мамлакат ҳамда Ўзбекистон халқларини дўстлик ва самимият дея аталмиш муқаддас туйғулар боғлаб туришининг яна бир рамзий ифодаси бўлди.

■ М.ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА Токио

ЧОРКЕСАР ДАРАЛАРИДА

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ХРОНИКА

ТОРА-БОРА ИШҒОЛ ҚИЛИНДИ:

ТЕРРОРЧИ ҲОЗИРЧА ТОПИЛМАДИ

Пентагондан олинаётган маълумотларга кўра, АҚШда сўроқдан ўтказилаётган жангарилар Усама бин Лодинга тегишли бирор муҳим ахборот беришмаган. France-Presseда ёзишларича ҳозир АҚШда 20 нафарга яқин террорчилар тергов қилинмоқда.

Аксилтолиб кучлар Тора-Борадан ўз қўшинларини олиб чиқишни бошлашди деган хабар мавжуд. Аксилтолиб кучларнинг қўмондони Ҳазрат Али ҳарбий ҳаракатлар тугаганини эълон қилган. Тора-Борада фақат АҚШнинг махсус гуруҳ таркибига кирувчи қўшинларигина қолган. Улар ерости иншоотидаги ертўлаларни бирма-бир кўздан кечиришга ҳозирланишяпти. Тахминларга кўра, бин Лодин бу ерга уюштирилган ҳаво зарбалари оқибатида ҳалок бўлган бўлиши мумкин.

Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар охирлаётган экан, АҚШ «бу ҳали террорчиликка қарши кураш тугади, дегани эмас» тариқасидаги аризасини амалда исботламоқда. Саудияда чиқадиган «Аш-Шарқ-ал-Аусат» газетасининг ёзишича, АҚШ ҳарбийларининг кейинги ҳужум нуқтаси Африкада жойлашган Сомали давлати бўлиши ва бу ҳужум тез кунларда бошланиши мумкин. Сомалида «Ал-Иттиҳод ал-Исломи» экстремистик гуруҳининг бир қатор ҳарбий лагерлари жойлашган ва маълумотларга кўра, бу гуруҳ «Ал-Қаида» билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Расмий Вашингтон бу ҳаракатни «Ал-Қаида» гуруҳига қарши аксилтеррор операциясининг давоми сифатида баҳоламоқда. Шунингдек, АҚШ бу борада БМТнинг ҲК томонидан махсус қарор қабул қилинишига ҳожат йўқлигини ҳам билдирган. Сомалидаги муҳолиф партия етакчиларидан бирининг сўзларига кўра «Ал-Қаида» Сомалини қўлида ушлаб туради.

Шунингдек, аксилтеррор ҳаракатлар Яманда ҳам бўлиб ўтган. Бу ерда ҳукумат қўшинлари мамлакатда жойлашган «Ал-Қаида» гуруҳининг лагерларига ҳужум уюштирган. Натижада 12 нафар террорчи ҳалок бўлганлиги маълум қилинади. Лагер Афғонистондан борган жангарилар томонидан шакллантирилган.

Хуллас, Афғонистонда толибларнинг сўнгги таянчи бўлган Тора-Бора ишғол қилинди. Террорчи Усама бин Лодин эса ҳамон қидирилмоқда. Унинг айнан Сомалида яширинганлиги ҳақида тахминлар ҳам мавжуд.

КАРМАНА КИЧИК БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Турон» банки Навоий шўъбасининг қуйи тармоқлари муттасил кенгаймоқда. Яқинда мазкур банкнинг Кармана тумани бўлими иш бошлади. Бу кичик банк асосан сув хўжалиги корхоналарига ҳамда ўрта ва кичик бизнес субъектларига намунали хизмат кўрсатади.

— Қисқа вақт ичида айланма маблағ ва мижозлар жиҳатидан ўз нуфузимизга эга бўлдик, — дейди Кармана кичик банки бошқарувчиси Шавкат Бердиев. — Келгусида мижоз ва омонатчиларимиз сони янада ошади. Чунки, банкимиз хизмати карманаликларга жуда маъқул.

«Турон» банкининг Маликработ қўрғони, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида ҳам шўъбалари очилиши мўлжалланаяпти.

■ Музаффар ШАРОПОВ

ЖИЗЗАХ ЙЎЛЛАРИДА

Жиззах вилояти йўлларида «СамКўчАвто» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 30 та «Ўзотайўл» автобуслари қатнай бошлади.

Вилоят ҳокимлиги, «Ўзавтосаноат» уюшмаси ҳамда «Асакабанк»нинг ўзаро ҳамкорлигида Жиззахдаги «Ўзэксайдтранс» автокорхонаси ҳисобидаги бу автобуслар «Ўзэксайд» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ҳомийлигида «Асакабанк» томонидан ажратилган 500 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига келтирилди.

■ Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

НОВВОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНСА

Қарши туманидаги «Абдукарим ота» фермер хўжалиги ўтган йили ташкил этилганди. Хўжалик далаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга имкон қадар ҳисса қўшиб келмоқда. Бироқ хўжалик раҳбари Раҳмат Намозов тадбиркор эмасми, ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига ҳам қўл уришни ният қилди.

Хуллас, тадбиркорнинг ўзи асос солган терма ускуналар қандолатчилик кичик корхонаси ташкил этилишига сабаб бўлди. Жорий йил бошидан то шу кунга қадар 150 тоннадан ортиқ новвот, парварда, карамел, шоколад жами 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилаётган ширинликлар сифати, стандарт даражасига мос келиши корхона муваффақиятларидан биридир. Шунинг учун ҳам мазкур маҳсулотлар мамлакатимиз пойтахти ҳамда аксарият вилоятлардаги савдо ташкилотларига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

— Келгуси йилдан маҳсулотларимизни, хусусан, новвотни хориж мамлакатларига экспорт қилиш ниятидамиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Шоҳида Турсунова. — Кейин ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгаяди, янги иш ўринлари ташкил этилади.

Дарвоқе, бу ерда 100 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача ойлик маоши 20 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, корхона ишчилари учун ижтимоий ҳимоянинг бир неча турлари йўлга қўйилган.

■ ШОҲИСЛОМБЕК

СПОРТ

УНИВЕРСИАДАГА ШАЙЛАНИБ

Маълумки, келгуси йилнинг баҳорида қадимий шаҳар. Бухорои шарифда «Универсиада-2002» мусобақалари бўлиб ўтади. Мамлакат ёшларининг бу катта спорт байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам ноёб лойиҳа ва конструкция асосида қайта қурилаётган «Бухоро» ўйингоҳининг бугунги бўй-бастида намоён бўлмоқда. Уч қаватдан иборат стадионда 25 минг томошабин ўрни, спорт секциялари, ошхона, мухбирлар учун репортажларни узатиш хоналари бўлади. Ўйингоҳ атрофида 6 гектарлик боғ чирой очади.

Ҳозир «Бухоро» ўйингоҳида 1,6 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бунда, айниқса, «Бухорогазсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «2-вилоятхўжаликқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси жамоалари жонбозлик кўрсатмоқдалар. «Ҳа, яқин ойлар ичида «Бухоро» ўйингоҳи қайта «туғилиб», мамлакатимиз ёш спортчилари анжумани қатнашчиларини ўз бағрига олади», — дейди стадион қурилиш дирекциясининг биринчи ўринбосари Субҳиддин Баратов.

■ Даврон БАҲРОНОВ

ҚЎШ ХАБАР

ҚАРИЯЛАР ҚУВОНЧИ

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Мамлакатимиз қариялари каби бутун Қорақалпоғистон кексалари ҳам ўзларининг чин қалбдан миннатдорчилигини билдирмоқдалар. Ҳеч қачон, ҳеч бир мамлакатда отахону онахонларга бунчалик эътибор, ғамхўрлик бўлган эмас.

Янги йил арафасида — Ҳайит байрами муносабати билан шаҳар ва туманлардаги қарияларга, айниқса, кам таъминланганларга 1 млн. 77 минг сўмлик совға-саломлар тоширилди. Экологик марказда жойлашган Мўйноқ, Бўзатов туманларининг ҳар бирига 50 минг сўмдан пул берилди. Қорақалпоғистон «Нуроний» жамғармаси бошқармасининг ўзи эса 100 минг сўмлик совға-саломлар улашди. Бетоб бўлиб ётган қарияларнинг уйларига бориб, кўнгил олинди.

ИМОННИ АСРАБ

Энергетиклар шаҳри Тахиатошда ҳашар йўли билан 250 ўринли масжид фойдаланишга топширилди. Масжидни қуришда комбинатлар, завод-фабрикалар, транспорт, қурилиш ташкилотлари фаол қатнашдилар.

Шаҳар аҳолиси, кексақариялар масжиднинг битказилиб фойдаланишга топширилишини динимиз, имонимизни асрашимиздан нишона, деб эътироф этдилар.

■ Реймбой ЕШИМБЕТОВ

ҲИНДУЛАР АСИРИ

Ҳаётда инсон турли вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Лекин давлат раҳбарининг асир олиниши...

Бу воқеа ўтган ёзда юз берди. Словакия Президенти Рудолф Шустер меҳнат таътили пайти дам олгани Бразилияга келганди. Саёҳат анча қизиқарли кечиш билан бирга бироз қимматга ҳам тушди. У Амазонка чангалзорларида кезиб юрганида камон ва найзалар билан қуролланган ҳиндулар қабиласига асир тушиб қолди.

— Биз тасодифан ўн бир қабила йўлбошчиси йиғиладиган жойга яқин келиб қолибмиз, — дейди президент кейинчалик. — Маълум бўлишича, ҳиндулар чақирилмаган меҳмонларга нисбатан ўта шафқатсиз бўларкан.

Шундай бўлса-да, Словакия президенти дипломатлик қобилиятини ишга солиб, озодликка чиқишга муваффақ бўлган. Ҳиндулар уни товон тўлаш шарти билан қўйиб юборди, яъни «Мерседес» автомашинаси ва сигирлар подаси талаб қилинган. Ўша вазиятда Словакия раҳбарининг молиявий имкониятлари бундай харажатларни кўтаролмасди.

Янги йил арафасида Р.Шустер Амазонка ҳиндуларига совға йўллаб, сўзининг устидан чиқмоқчи. Совғалар асосан чангалзорлар шароитида яшаш учун асқотадиган буюмлардан иборат бўлади.

Шустерга ҳам қойил қолиш керак. У асирликда ўзини йўқотиб қўйгани йўқ. Саёҳат пайти кинокамерани қўлдан қўймайдиган президент асирликда вақтини бекор ўтказмай, Амазонканинг ёввойи табиати, ажабтовур ҳайвонот олами, ноёб ўсимликлари ҳамда ҳиндуларнинг урф-одатлари, маросимларини суратга олди. Энди Словакия раҳбарининг ҳаёти ва президентлик фаолияти ҳақида олинажак ҳужжатли фильмга Амазонка чангалзорларидаги саргузаштлар ҳам қизиқарли материал бўлиб қўшилса ажаб эмас.

ВАЪДАСИНИНГ УСТИДАН ЧИҚМОҚДА

Фаластин хавфсизлик хизмати Ғазо минтақасида Хамас ташкилотига қарашли олтита идорани ёпиб қўйди. Кузатувчиларнинг фикрича, фаластинликлар шу тариқа Ёсир Арафот Фаластин ҳудудида террорчиликни тугатиш ҳақидаги ваъдасини бажараётганини халқаро ҳамжамиятга намойиш қилмоқда.

Internet ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ўткир қалам соҳибларини газетанинг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбирлигига

ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Танлов юзасидан мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти

ТЕЛ.: 133-65-45

ЯХШИЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАСИЗМИ?

Ёки Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармони ҳақида...

Мазкур Фармон ҳам минглаб фуқароларнинг севинч ёшларини оқизди, уларнинг ҳаётида унутилмас воқеа, десак сира муболаға бўлмайди. Айниқса, тақдирга битилган қора кунларни бирма-бир санаб ёруғ кунлар умидида, унга илҳақ бўлиб яшаётган кишиларга берилган бу имтиёз, бу имкон, бу кунни улар сира унутмайди.

Мазкур Фармон талабларини бажариш зиммасига юкланган республика Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси ва республика Прокуратураси ходимлари Фармон талаблари доирасида маҳкумларни озод этишмоқда.

Биз республикадаги аёллар муассасасидан озод этилган аёллар билан суҳбатлашганимизда уларнинг севинчи, Юртбошимиз номига айтилаётган миннатдорчилиги ўзгача эди. Бироқ, улар орасида гиёҳвандлик моддалари билан, уларни олди-сотди қилишда воситачилик қилган ёки ташувчилик билан машғул бўлганда қўлга олинган аёлларнинг жазодан озод этилиши кутилмаган ҳодиса бўлди. Шу боис, улар бениҳоя хурсанд. Бироқ, қани эди улар яна нафси измига бўйсуниб шу кўчалардан ўтишмаса...

Боланинг қўлига тикон кирса, ота-онанинг қалби зирқирайди. Ўсмирларга берилган жазони уларнинг биргина ўзи эмас, балки ота-оналари ҳам қалби зирқираб, вужуди титраб, жабр тортаётганини, ситам чекаётганини чин қалбдан тушунган Юртбошимиз адашган болаларга ҳам яна бир карра имтиёз берди. Албатта, буни улар тўғри тушунишса, болаликданоқ бошига тушган мусибатдан, қайғули кунлардан тўғри хулоса чиқариб олишса қани эди...

Бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш, эзгу ишни бошлаб, уни хайрли қилиб тугатиш барчанинг қўлидан келавермаганидек, қайғу меҳмон бўлган қалбларга қувонч улашиб, кемтик дилларга малҳам беришни ҳам ҳар ким уддалайвермайди. Айниқса, осойишта юртимиз тинчлиги ва хотиржамлигига раҳна солмоқчи бўлган, четдаги душманларнинг тегирмонига сув қуйишга ҳозирланган кишиларни ҳам шундай шодлик дамларда эслаб, уларнинг айбини кечириш шунчаки гап эмас. Шу боис, илгари террористик-экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзолари бўлган, Ўзбекистон Республикасининг Конституцион тузумига қарши жиноятлар, жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган ва жазони ўташ даврида тузалиш йўлига ўтган бир гуруҳ шахсларга ҳам Фармоннинг 10-моддасига биноан амнистия қўлланиши ва уларнинг муддатидан олдин озод этилиши кутилмаган ҳодиса бўлди. Буни улар ўз сўзларида тасдиқлашиб Юртбошимиздан мингдан-минг рози бўлиб, миннатдорчиликлар билдириши.

Бинобарин, Афв этиш тўғрисидаги мазкур Фармондан нопок, разил одамни тўрт девор орасидаги ёки панжарали қафасга солиб қўйиб эмас, балки унга инсонийликнинг олий намуналарини амалда кўрсатиб, тарбия йўли билан уларнинг қусурини тузатмоқ, жоҳиллиги туфайли шу кўйларга тушган инсонларга яна имкон бериб, ахир сен инсонсан, одамзодсан, одамга хос иш юрит, одамга ўхшаб яша, инсон фарзандига ўхшаб ота-онанга, элу юртингга хизмат қилгин-у, уларнинг дуосини олгин, отам дея сенга суяниб кўкси тоғдай бўлиб юрган фарзандларингнинг ҳам ишончини оқлаб, болам деб, бошини силагин, деган эзгу мақсадлар кўзлангани ойдек аён бўлиб турибди.

Бироқ шу ўйлар қалбимни қувонтирган маҳалда хаёл қурғур яна «Бу қадар яхшиликни улар тушунармикин?» деган андишага етаклаб кетади. Ахир яхшиликни қилиш қанчалик енгил бўлмагани каби яхшиликнинг қадрига етиш ҳам осон эмас-да. Шу боис, Президентимизнинг ушбу мурувватидан баҳра олиб эрта-индин озодликка чиқадиган маҳкумлар ўзларини ўйлашмасада, қариликданми ёки касалликдан тўшакка михланиб қолганига қарамай, «Эй яратган эгам, яна бир йилгина умр бергин, адашган ўғлимнинг дийдорини бир кўриб кетай», дея ўзига умр тилаётган онаизор ёки отаизорнинг илтижоси ҳақида ёки боласининг дадам қачон келади, деган саволларини эшитганда қалби минг пора бўлганча, тақдирига битилган умр йўлдошининг илойим яхши инсон бўлиб қайтиб келсин-да, дея ҳадик аралаш эртани кутиб яшаётганини ҳис қила билса бас...

■ **Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
ИИВ Матбуот маркази ходими

ХДП ХАБАРИ

ИБРАТ ОЛИНГ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг партия матбуот нашрларига 2002 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги даъватига жавобан, кўплаб партия ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини юксак фаоллик асосида олиб бормоқдалар.

Кеча ХДП Гулистон ва Тахиатош шаҳар кенгашларидан обуна бўйича белгиланган мўлжалларни ортиғи билан эгаллаганликлари тўғрисида хабар олинди.

Тахиатош шаҳрида «Ўзбекистон овози» газетасига мўлжалга нисбатан 135 фоиз, «Голос Узбекистана» газетасига 145 фоиз, «Мулоқот» журналига 130 фоиз, Гулистон шаҳрида «Ўзбекистон овози» газетасига 117 фоиз, «Голос Узбекистана» газетасига 100 фоиз обуна қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу партия ташкилотлари ҳамиша обуна мавсумига олдиндан пухта тайёргарлик кўриб, уни уюшқоқлик билан ўтказиб келаётирлар. ХДП ташкилотлари ва фаолларининг меҳнат жамоалари ҳамда аҳоли истиқомат жойларида олиб борган ишлари, уларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари, молиявий ёрдамга муҳтожларнинг даврий матбуотга обуна бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари яхши натижа бермоқда.

Халқ демократик партияси Гулистон ва Тахиатош шаҳар ташкилотларини қўлга киритилган ютуқ билан табриклаб, ХДП барча ташкилотларини улардан ибрат олишга чақирамиз.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЁРУҒ ХИЁБОН

ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ КАЛИТИ

Маълумки, тил билмоқ инсон маданиятининг муҳим кўринишларидан биридир. Мозийга нигоҳ ташласак аждодларимизнинг кўпчилиги она тилини мукаммал билган ҳолда бошқа тиллардан ҳам хабардор бўлганлигини кўрамиз. Масалан, ўрта асрларда минг-минглаб зиёлилар туркий, форсий ва араб тилларини яхши билганлар. IX-XII асрларда ижод этган бир қанча алломаларимиз лотин, юнон ва бошқа лисонларни ҳам англаганлар. Шу давр донишларининг кўпчилиги ўз асарларини жаҳон тилига айланган арабчада битганлар.

Тарихдан маълумки, Абу Носир Фаробий ўнлаб тилларда бемалол мулоқот қилган ва ижод этган. Буюк астроном ва математик, геодезия, геология, минерология, тарих фанларининг билимдони Абу Райҳон Беруний еттисаккиз тилни мукаммал билган. Хусусан, у ҳинд биродарларимиз илтимосига кўра, Эвклиднинг «Бошланиш» ва Птоломейнинг «Альмагест» асарларини юнончадан, ўзи яратган «Устурлобия» китобини арабчадан қадимги ҳинд тили — санскритга моҳирона таржима қилган.

Табобат, риёзиёт, фалсафа, жамиятшунослик соҳаларида беназир асарлар битган Абу Али ибн Сино ўн жилдлик араб грамматикасига оид китоб яратган. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, аш-Шоший, аз-Замахшарий каби ўнлаб мўътабар аждодларимиз араб тили ва адабиётини мукаммал билганликларини араб дунёси бугун ҳам тан олмоқда. Темурийлар даврида маърифий кишилар орасида бошқа тилларни ўрганиш ва ўзлаштиришга эҳтиёж қайта кучаяди. Бу борада соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Алишер Навоий каби давлат арбоблари ибрат бўлганлар. Айни пайтда туркий тилга эътибор ортди. Шайбонийлар даврида ҳам, ўлкамизда уч хонлик мавжуд бўлган пайтларда ҳам давлат ва жамоа ишлари ўзбек, тожик тилларида олиб борилган. Кўп шоирлар, ёзувчилар, ҳажвиячилар бир неча тилда ижод этганлиги, уларни халойиқ яхши англай олгани ҳам тарихдан маълум.

Бундан юз-юз эллик йиллар муқаддам ҳам минтақамизда турли тилларни билишга интилиш, қизиқувчанлик катта бўлган. Бу даврларда ўлкамизда чоризм босқини ва зулмига қарамасдан одамларда маърифатга, зиёга талпиниш кам бўлмаган.

Турли даврларда ҳар хил луғатлар, тил ўрганишга қулайлик яратувчи ёзма адабиёт битилган. Масалан, 1909 йилда Тошкентда «Уч тил» («Луғоти салас») номи билан нодир китоб нашр этилади. Унинг муаллифи луғатшунос олим, маърифатпарвар шоир Саид Салоҳиддин ибн Алоуддин хўжа эди. Китоб мавзуларга асосланган ҳолда олти бобдан иборат бўлиб, унда 8470 сўзга изоҳ берилади. Луғатнинг ҳар мисрасида бир сўзнинг уч тилдаги — араб, форс ва ўзбек тилларидаги маънолари шеърий усулда, маснавий жанрида юксак шоирона маҳорат билан берилган эди.

Француз, инглиз, рус, араб, форс, урду ва бошқа тилларни яхши билган ўзбек шоири Исҳоқхон Ибрат ватандошларини ғарбу шарқ тилларини ўрганишга даъват қилар экан, у бундан юз йил муқаддам, яъни 1901 йилда олти тиллик луғат чоп эттиради.

Машҳур жадид Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йилда ўзи ташкил қилган «Ойна» журнали саҳифаларида юртдошларимизни араб, рус, француз ва бошқа тилларни билишга чақиради. Унинг фикрича, тил билмоқ тараққиёт омилидир.

XX аср бошларида ижод этган маърифатпарвар жадидлар 3-4 тилда бемалол гаплашганлар. Хусусан, Абдулла Авлоний, Булат Солиев, Абдурауф Фитрат, Миёнбузрук Солиҳовлар ўзбек тили билан бир қаторда араб, форс-тожик, рус ва бошқа тилларни яхши билганлар. Абдулҳамид Чўлпон 1934 йилда инглиз драматурги Уильям Шекспирнинг «Ҳамлет» асарини ўзбек тилига ағдариб чоп эттирган эди. У машҳур рус ёзувчилари асарларини ҳам ўзбекчага таржима қилган истеъдодли инсон бўлган. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Садриддин Айнийлар ҳам бир неча тилда сўзлашар эдилар. Афсуски, уларнинг кўпчилиги шўроларнинг мустабидлик сиёсати оқибатида қатағон этилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг биринчи раиси Файзулла Хўжаев ташаббуси билан ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғонадан бир неча ўнлаб ёшлар тил ўрганиш, илм олиш ниятида Германияга ва бошқа ғарб мамлакатларига жўнатилган эди. Аммо уларнинг тақдири ҳам аянчли бўлди. Ўқиб келганлар шўролар томонидан қувғинга олинди, бошқалар эса хорижда қолиб кетди.

1928 йили ўлкамизда араб алифбоси бекор қилинди, унинг ўрнига рус имлосига яқин лотин хати жорий этилди. Орадан 10-12 йил ўтгач бутунлай рус имлосига (кирилчага) ўтилди. XX аср ўрталарига келиб хорижий тилларни ўрганишга имкон камаяди ва айни пайтда рус тилини ўзлаштиришга даъват кучаяди. Шўролар даврида бошқа тиллар турли баҳоналар билан камситилган ҳолда жамиятда рус тилининг мавқеи ортиб борди. Кўп ўзбеклар ҳам рус тилини яхши ўқидилар, лекин айримлари она тилларини унутаёздилар. Йил сайин ўзбек тилидаги адабиёт камайиб, «оғамиз»ча сўзлашув авж олди, бу тилдаги мактаблар, чоп этилган адабиётлар кўпайди. Бундай бирёқлама жараён 1989 йилда республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг бирмунча пасайди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, ўзбек тили қадр-қиймати ошди, у эндиликда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Айни пайтда юртимизда шарқ ва ғарб мамлакатлари тилларини ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Тошкентда Жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Шарқшунослик институти очилди. Андижон чет тиллари институтига ўхшаш Самарқандда ҳам шундай олий ўқув юрти ташкил этилди. Ўзбекистоннинг 8 та бошқа университетларида хорижий тил ва адабиёт ўргатувчи янги факультет ва турли бўлимлар очилди. Бундан ташқари, бошқа барча ўқув даргоҳларида ҳам чет тиллар эркин ўрганилмоқда. Ватанимизда турли тилларни ўрганиш учун авваллари бунчалик кенг имконият яратилмаган эди. Эндиликда Ўзбекистон юздан ортиқ мамлакатлар билан мулоқотда, улар тажрибаси билан танишмоқда, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантирмоқда.

Кейинги йилларда ёшларимизда инглиз, араб, немис, француз, хитой, япон, ҳинду, корейс, форс, турк, испан тилларига қизиқиш ўсиб бормоқда. 800 га яқин йигит-қизларимизга «Умид» жамғармаси гранти насиб этиб, улар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Канадада таҳсил олмоқдалар. Ўнлаб ёшлар тил ўзлаштириш мақсадида Мисрга, Хитойга, Ҳиндистонга, Бельгияга, Австрияга йўл олганлар.

Демак, истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутмоқда, инсоният тараққиётидан баҳраманд бўлмоқда, хориждан келганларга Ватанимиз ўтмиши ва бугунини кўз-кўз қилмоқда. Бу муҳим маърифий жараённинг заминида, табиийки, кўп тилларни билиш иштиёқи ҳам мавжуд. Қадим аждодларимиз анъанаси бўлмиш кўптиллилик бугун муборак юртимизда қайта тикланиб қулоч ёзмоқда. Зеро, маънавий-маърифий бойликларимиз ортиб бормоқда.

■ **Абдулла АБДУНАБИЕВ,**
Тошкент электротехника алоқа институтининг профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Нурота шаҳридаги «Аминжон Баратов» масъулияти чекланган жамият аъзолари жорий йилни муваффақиятли якунлашга ахд қилишган. 100 нафар ишчи меҳнат қиладиган корхона шу йилнинг ўзидаёқ 3 миллион сўмлик соф фойда олишга эришди.

Суратларда:
1. Уста Фозил Қозоқов, ишчилар Муборак Муқимова ва Дилфуза Мардонова иш устида. 2. Тикув цехида.

■ **Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

ТАШАББУСГА ЯРАША

Ургут туман ижтимоий муҳофаза бўлими томонидан берилган маълумотга кўра, туман ҳокимлигининг махсус қарорида тумандаги барча ногиронларнинг ҳар бирига алоҳида ҳомий бириктириш ташаббуси кўтарилган. Хуллас, тумандаги ногиронларнинг махсус аравачалар билан таъминланиши ҳамкорликда амалга ошмоқда.

Шунингдек, яқинда қариялар куни муносабати билан тумандаги 600 дан зиёд қарияга 600 миллион сўмлик моддий ёрдам топширилган. Шаҳардаги 10-меҳрибонлик уйига янги «Зингер» тикув машинаси, «Саховат» уйига эса маҳаллалар билан ҳамкорликда кўрпа-тўшак, кийим-кечаклар туҳфа қилинган.

—Туманда янги иш ўринларини ташкил этиш учун яқин ойларда қўшма корхона тузиш лойиҳасини муҳокама қилиб турибмиз, —дейди туман ҳокими Холмуҳаммад Нуриллаев.

■ **Абдумалик БОБОЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

КЎП ЎҚИЙДИ, БИРОҚ КАМ ГАПИРАДИ

«Яхшилик қил, сувга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса холиқ билар» деган мақолни кўп эшитганим бор-у, узоқ вақтлар маъносига етмаганим рост. Кўпга аралашиб турфа одамларга дуч келиб, яхшини ёмондан, оқни қорадан ажрата бошлаганимдагина ҳикмат мағзини чаққандайман.

«Яхшилик қилиб сувга ташлаганлар бормикан?» деб кўп бош қотирганман. Улар бор экан, улар кўп экан ва улар ниҳоятда ўқимишли, билимдон ва ўта камтарин инсонлар экан. Мен шуларнинг бири ҳақида тўхталмоқчиман.

Биз ўзбекларда гўзал бир удум бор. Йигит оиланинг устуни саналади ва оиладаги қизларга суянчиқ, опа-сингилларининг қайсидир маънода назоратчиси ҳисобланади. Мен ҳикоя қилаётган қаҳрамоним оиласида бу удум тўла сақланиб қолган. Бу оила фарзандлари олий маълумотли, касб-корли бўлдилар. У киши доимо опа-сингилларига меҳрибон. Бу инсон Иброҳим Юсупов — «Сирдарёматлуботсавдо» акциядорлик компанияси раиси. Камтарин, камсуқум Иброҳим аканинг ҳузурида бўлсангиз, суҳбатидан ҳузур қиласиз. Иброҳим Юсуповнинг кимлигини эл билади, бирга ишлаганлар билади, бир даврада ўтирганлар билади. У кўп ўқиган, бироқ кам гапиради. Кўпроқ одамларни тинглайди. Ҳузурига кирган киши ноумид бўлиб чиқмайди. Иброҳим ака саховатпеша — «Меҳрибонлик уйи»да тез-тез бўлади, болаларга кийим-бош, озиқ-овқат, байрамларда совға-саломлар жўнатади.

Бир нарсага иқрор бўлдим. Меҳрга йўғрилиб ўсиб, оиласидагиларга меҳр бера оладиган одам эл-юртга ҳам меҳрибон бўларкан, жонкуярлар шундайлардан чиқаркан, ишлаётган жамоасини ҳам оиласидек билиб унинг шаъни, мавқеига ўзига масъул сезаркан.

Иброҳим Юсупов 45 ёшда. 1978 йил Тошкент давлат иқтисодиёт университетини битирган. Ҳамма ишни вазминлик ва босиқлик билан ҳал қилади. Маънавият ҳақида, раҳбарлик ҳақида гап кетса, у ҳақида «адолатли одам» деб гапиришади. Мен бу одамни узоқ йиллардан буён биламан.

Ўйлайман:

Йўқ таъма, озори унинг,
Қойишлари дори унинг,
Бу дунёда бори унинг
Опага, сингилга бахтга
ўхшайди.

Опаси Нафиса, синглиси Фарида опага ҳавасим келади. Негаки жигарбандлик ҳиссини чуқур англаш, қариндош-уруғларнинг яхши-ёмон кунларида яқиндан кўмак бериб, кўнгил кўтариб туриш ҳам катта бахт.

Очиғи, баъзи ака-ука, опа-сингиллар бир-бирини фақат бирор муносабат билангина йўқлайди. Назаримда, шундайлар, биз ҳам баъзан ўзимизнинг турмуш ташвишларимизга кўмилиб қолаётгандаймиз. Иброҳим ака ҳамиша жигарларига, одамларга қайишиб яшайди, шунданам у кишининг одамохун феъл-атвори кўнгилларда яна кўришиш истагини уйғотади.

Бундайларнинг юрагидан ҳамиша:

Тила тилагингни
Кучим етганича,
Кўнгил бойлигимдан
Беришим мумкин.
Дардингнинг, ғамингнинг
Бир бўлагини
Елкамда кўтариб
Юришим мумкин.

деган сатрлар сим-сим ўтиб туради.

Иброҳим ака хонадонида уч қиз, бир ўғил ўсаяпти. Уларга ёлғон гапириш бегона, киши ҳаққига хиёнат қилиш гуноҳ, ваъдасига вафо қилиш, сўзида бирлик қон-қонига синган.

Иброҳим аканинг оталари Тешавой ака фарзандларини тўғрисўзликка, киши ҳаққидан қўрқишга, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилишга ўргатган, пешона тери эвазига ризқ тутган инсон эди. Зеро, одамийлик, элнинг корига яраш уларнинг оила удумига айлангандир. Яхшилик қилиб яшаш катта бахт асли.

■ **Маматқул БОЗОРБОЕВ,**
Сирдарё вилояти

ЖАҲОННИНГ БУЮК СИЁСАТЧИ-ИСЛОҲОТЧИЛАРИ

ДУНЁНИНГ КУЧЛИ АЁЛИ

Рассом учун от устидаги аёлни тасвирлашдан кўра кўзларига сурма тортаётган соҳибжамолнинг суратини чизиш енгилроқ. Негаки, от минмоққа, тожу тахт учун даъвогарлик қилмоққа ҳар қандай аёлнинг ҳам юраги дов беравермайди.

Бироқ замон тақозоси биз нозиктаъб ва нозикқалб деб атаётган маликаларга тожу тахт, давлат ва салтанат бериб, уларнинг ақл-заковат, куч ва иродасини синаганлигини ва улар бу «қил қўприклар»дан қилт этмай ўтганликларини ҳам тан олмоқ даркор. Бунинг учун Деҳли султони Розия (1235-1240), Мамлуклар сулоласига асос солган Миср султони Шожарат ад-Дур (1250), Карманада Қутлуғхонлар сулоласидан Қутлуғ Туркон Хотун (1257-1287), Луристонда — Давлат Хотун (1310-1317), Сотибекхон Султон (1338-1339), Эрондаги Мўғул хонлари — жалойирлардан Денду Хотун (1411-1419), Молдвин оролларидаги Хадича (1347-1381), Марям (1380-1383), Фотима-Дайн (1383-1388), Фотима Бека Султон (1677-1681) каби ҳукмдор аёлларни, Тўмарис, Гавҳаршодбегим, Сароймулкхоним, Қутлуғнигор хоним, Нодирабегим каби маликаларни, Қурбонжон Додхоҳдек жасур момоларимизни хотирламоқнинг ўзи кифоядир.

Бироқ биз бугун Туроннинг алп қизлари хусусида эмас, балки бутун дунёда «Темир хоним» номи билан шуҳрат топган, Буюк Британия сиёсатчиси, мамлакатнинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчернинг ҳаёти ва фаолияти борасида сўз юритмоқчимиз. Унинг раҳбар сифатида кўзлаган мақсади, амалга оширган ислоҳотлари нималардан иборат? Тетчер сиёсатининг бутун дунёга таъсири қандай бўлди? Тетчернинг ҳаётдаги шиори нима? У мукаммал ва соҳибжамол инсон даражасига етишишда қандай омиллардан фойдаланган?

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Англия вақтинча буюк давлатлар сафидан чиқди. Негаки, уруш учун кетган сарф-харажатлар Англия иқтисодиётига жиддий зарар келтирган ва шунинг учун мамлакатни тиклаш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда эса Англия замонавий ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлган қудратли индустриал мамлакат ҳисобланади. Четга капитал чиқариш бўйича АҚШдан сўнг дунёда иккинчи ўринда туради. Унинг сиёсат тизимида икки партиявийлик мавжуд. Биринчиси — консерваторлар, иккинчиси — лейбористлар. Биласизки, 1951 йилдан 1964 йилгача ҳукумат тепасида консерваторлар турди. Англия тарихида бу давр «бекор кетган 13 йил» деб номланди. 1964 йилги ўтказилган сайловларда лейбористлар ғалаба қилди ва Гарольд Бинсон бошчилигидаги янги ҳукумат тузилди. Лейбористларнинг тантанаси Англия учун жуда қимматга тушди. Буюк Британиянинг асосини ташкил этган мамлакат яна оғир инқирозга юз тута бошлади. Ниҳоят 15 йиллик парокандаликдан сўнг консерваторлар партияси ғалаба қилади ва Маргарет Тетчер бошчилигидаги ҳукумат қарор топади.

Маргарет Хильда Роберто 1925 йил 13 октябрда Англиянинг унчалик катта бўлмаган Грантем шаҳарчасида дўкондор баққол оиласида туғилган. Унинг отаси Альфред Робертс тижорат одами бўлишига қарамай, ўз устида тинимсиз изланарди. Билимга ташналик, ижтимоий ҳаётга, сиёсатга, дунё воқеаларига қизиқиш туйғулари унда ниҳоятда кучли бўлган. Сайлов жараёнларида фаол қатнашган ва 1943 йилда Альфред Робертс Грантем шаҳри ҳокими лавозимига сайланган. Ҳали 18 ёшга ҳам тўлиб улгурмаган Маргарет отасининг ёнига кирди, унга ҳамдард, ҳамфикр бўлди ва ўз қонида сиёсатга ташналик туйғуси ҳукмронлигини жуда барвақт англаб етди. Отаси уни интизомли, билимдон, бир сўзли ва қатъий фикрли қилиб тарбиялади. Маргарет Оксфорд университетининг нуфузли коллежларидан бирида кимё фанлари бўйича таҳсил олди. Одатдагидек у яхши ўқиди, бироқ уни химиядан ҳам кўпроқ Оксфорд университетидаги консерваторлар ассоциациясининг фаолияти қизиқтирарди. Кўпчилик талабалар лейбористларга хайрихоҳ эмасдилар. Бу ҳол ёш қизнинг қалбидаги курашчанлик туйғуларининг янада алангаланишига туртки бўлди. Кун сайин унинг тушунчалари ойдинлашиб, дунёқараши кенгая борди.

Отаси ҳамиша қизига: «Ўзгалар устидан ҳукм чиқариш учун инсон энг аввало ўз худосига, ватанига, халқига, оиласига, ўз эътиқодларига содиқ бўлиши керак»лигини уқтирарди. Кейинчалик Маргарет Тетчернинг ўзи ҳам: «Мен ижтимоий ва сиёсий ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига қаттиққўл ва талабчан отамнинг шарофати билан эришдим» дея тан олади.

Маргаретнинг ҳаётида муҳим ўрин тутган яна бир омиллардан бири — машҳур иқтисодчи Фон Хаекнинг «Қулликка қарши йўл» деб номланган китоби эди. Бу китобда олим биринчилардан бўлиб давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрни, унинг ҳар қандай шароитда инсон фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилиши кераклигини таҳлил қилиб берган эди.

Университетни тамомлагач, Маргарет пластмасс ишлаб чиқарувчи фирмада ишлай бошлади. Бироқ сиёсий ҳаётга интилиш туйғуси унга сира тинчлик бермасди ва бўлажак парламент сайловларида ўз кучини синаб кўришга қарор қилди. Шу сабабдан ишдан бўшади дегунча, сайловчилар ҳузурига ошиқарди. Қизғин баҳс ва тортишувлар билан ўтган сайлов тадбирларидан сўнг у электричкага ўтириб уйига қайтар ва яна тонг азонлаб ишга кетарди.

Кунлардан бир куни консерваторлар партиясининг маҳаллий ташкилотларидан бирида ўтказилган йиғилишдан сўнг меҳмонлардан бири Маргаретни вокзалгача кузатиб қўйишни таклиф қилди. У оилавий бизнес ташаббускори Денис Тетчер эди. У соҳибжамол ва сарвқомат нотиқ қизни ўз машинасида вокзалгача эмас, балки уйига қадар элтиб қўяди. Бу ҳодиса фақат бир марта эмас, балки улар турмуш қургунларига қадар — яна бир сайлов жараёни айланиб келгунча такрорланади.

1950-1951 йиллар Маргарет ҳаётида ниҳоятда қизғин кураш даври бўлди. У бу вақт мобайнида муваффақиятга эришгани йўқ, бироқ жуда катта тажриба тўплашга муваффақ бўлди. Ана шундай пайтларда бўлажак бош вазирга отасининг: «Сен партияни шунчаки бошқаришга эмас, балки уни ўз ғояларинг билан суғоришга ҳаракат қил. Чунки қироллар ва қироличалар ҳам дунёга устун бўлмаган. Тарих бамисли тегирмон тоши. Айланиб тураверади. Бироқ озодликни асраб қолиш ва уни келгуси наслларга софлигича инъом этмоқ ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди» деган ўгитлари далда берди.

Денис Тетчер Маргаретга жуда муносиб умр йўлдош бўлди. У хотинидан ўн ёшга катта эди. Шунинг учунми, у хотинининг барча интилишлари, дунёқараши ва мақсадларини қадрлади. Унинг ўзи ҳам консерваторлар партиясига Маргаретдан анча илгарироқ аъзо бўлган эди. Эрининг ёрдами билан Маргарет моддий қийинчиликлардан батамом халос бўлди ва ўқишини давом эттириб ўзи болалигидан орзу қилган мутахассисликни эгаллади — солиқ юристи бўлди. Бу вақт оралиғида ўғилчалари Марк ва Керол дунёга келди.

Янги курашларга бел боғлашда, бор куч ва маҳоратини ишга солишда Маргарет Тетчерга солиқ юристи эканлиги жуда қўл келди. Энди у фақат партиявий йўналишлари билангина эмас, балки қонун нуқтаи назаридан ҳам ўз рақиблари орасида баландроқ ва муносиброқ овозга эга эканлигини исботлаш даражасигача кўтарилди.

Бир неча муваффақиятсиз ҳаракатлардан сўнг ниҳоят 1958 йилда Маргарет Тетчер ўзининг ички ва ташқи сиёсат бобидаги истеъдодини намойиш этолди ва Финчли округидан ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига муваффақ бўлди. Ўрта ҳол аҳоли вакиллари билан грантемлик баққолнинг қизи осонгина тил топишди. Финчли Маргарет Тетчер учун кураш кўприги ва тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Хуллас, 1959 йили Маргарет Тетчер парламент аъзолигига сайланди ва илмий штат бўлимида ишлай бошлади. 1961 йилда Англиянинг ўша даврдаги бош вазири Г. Макмиллан уни нафақа ва давлат суғурта ишлари бўйича кичик вазир лавозимига таклиф қилди.

Кейинчалик у қурилиш ва ер, транспорт, молия, маориф вазирликларида ҳам фаолият кўрсатдики, бу нарса бўлажак ислоҳотчининг жуда бой ва кенг қиррали тажриба тўплашига ёрдам берди.

1970 йилда консерваторлар партиясининг давлат тепасига келиши муносабати билан Маргарет Тетчер маориф вазири лавозимига тайинланди. Мамлакатдаги иқтисодий танглик ва сиёсий мураккаб вазият сабабли унинг вазирлигидан тежамкорлик талаб қилинди. Маргарет Тетчер бошланғич синф ўқувчиларини текин сут билан таъминлашга чек қўйди. Бироқ кутубхоналардан пулли фойдаланиш ҳақидаги таклифларни у қабул қилмади. Чунки китоб ўз ҳаётига қанчалар катта мазмун ва мавқе киритганлигини у ҳеч қачон унутолмасди. У: «Биз ҳамиша ҳар қандай соҳада инқилоб қилишни истаймиз: ишлаб чиқаришда, савдода, маорифда, медицинада ва ҳоказо. Бу албатта яхши. Бироқ озодлик йўлидаги ғалабагина бизнинг ҳаётимизни ўзгартиришга ва юксалтиришга қодирдир. Биз ўзимиздан абадий хотира, баркамол ва адолатли жамият, соғлом насл қолдирмоғимиз лозим» деган сўзларни тез-тез такрорлаб турарди.

Маргарет Тетчер сиёсатга шунчаки ишқибоз эмас, содиқ ва изланувчан инсон сифатида консерваторлар орасида зинама-зина обрў қозона борди. 1974 йилда Хит ҳукумати жар ёқасига келиб қолади. Унга қарши бош кўтарганлар орасида грантемлик кичик бир дўкондорнинг қизи Маргарет Тетчер ҳам бор эди.

1975 йилда ўтказилган сайловларда Маргарет Тетчер Хит устидан ғалаба қозонди ва Британия аёллари ичида биринчи бўлиб бош вазир даражасига кўтарилди. Ўша пайтда Англия Ғарбий Европанинг энг оғриқ нуқтаси эди. Касаба уюшмаларининг намойишкорона буйруқбозликларидан, доимий қўзғолонлардан, иш ташлашлардан, тутуруқсиз солиқлардан халқ безиган бир пайтда Тетчер мамлакат тепасига келди. Сарвқомат ва соҳибжамол давлат раҳбари шундай мураккаб, шундай қалтис вазиятда ҳам эсанкираб қолмади. Аксинча, бир кеча-кундузда 24 соатлаб меҳнат қилиб, халқ ҳаётини, характерини ҳар томонлама ўрганди, тадқиқ қилди.

«Сизни темир хоним» деб аташади. Бундан ўзингизнинг хабарингиз борми?» деган саволга Маргарет Тетчер: «Хабарим бор. Менимча, улар ҳақ гапни топиб айтишган. Чунки мен жуда қўпол, қаттиққўл ва айни пайтда кучли аёлман. Шунинг учун одамлар мени ёқтирмаслиги, айрим хатти-ҳаракатларимни қўллаб-қувватламасликлари табиий. Бироқ мен нимаики чора кўраётган бўлсам ҳаммасини ватан манфаати учун қилаяпман. Буни англияликлар англаб етган ва шунинг учун ҳам мени ҳурмат қиладилар деб ўйлайман» дея жавоб берган.

Дарҳақиқат, Маргарет Тетчер оилада ҳам, жамиятда ҳам, хизмат вазифасида ҳам барчага ибрат бўлди. Шу сабабдан у «Дунёнинг энг кучли аёли» деган номга сазовор бўлди ва халқ томонидан берилган бу унвонни оқлади.

Маргарет Тетчер амалга оширган ислоҳотлар халқаро майдонда ўчмайдиган излар қолдирди.

Бош вазир мамлакатда кучли ва барқарор сиёсат ўрнатишни, дунё мамлакатларининг талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган мукаммал саноатни ривожлантиришни, халқнинг билим даражасини юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Тетчер даврида сиёсий жараёнлар адолатли бўлди, илмий техника юксалиши рўй берди. Бундай изланишлар тарихда ҳали кузатилмаганди.

Тарих озодликни ҳеч қачон осонликча инъом этмайди. Озодлик «энг қимматли меҳмон». Айни пайтда унинг тақдири ҳамиша хавф остида. Демак, бу қадрли меҳмонни ҳимоя қилиш, асраш, авайлаш даркор. Маргарет Тетчер озодликнинг барқарорлиги ва боқийлигини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларини сарфлади «тетчеризм сиёсати»ни дунё тан олди. Бу сиёсатнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат эди:

1. Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2. Давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашувини минимум даражага етказиш, хусусий мулкчиликни демократлаштириш.

3. Ҳар ким ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаши шарт. Давлат фақат ногиронларга ёрдам беради.

4. Ижтимоий ҳаракатларни мумкин қадар камайтириш.

5. Жамият учун зарар келтирадиган ҳар қандай иш ташлашларни қатъиян тақиқлаш.

Шу тамойиллар асосига қурилган «тетчеризм сиёсати» 1982 йилдан ўз меваларини бера бошлади. 1982-1987 йиллар мобайнида Англия иқтисодий ва маданий жиҳатдан Ғарбий Европада биринчи ўринга чиқиб олди.

Маргарет Тетчер ҳамиша: «Мен сиёсатга ишқибоз эмасман, балки унга содиқман» дер эди. Дарҳақиқат, бош вазир сиёсатни таваккалчилик билан эмас, ишонч ва қатъият билан бошқарди. Унинг фикрича ўзини англиялик деб ҳисоблаган ҳар бир инсон эркин фикрлаши, мажбурий эмас ихтиёрий-мустақил меҳнат қилиши, пул топиши, хусусий мулкига эга бўлиши, хуллас, яхши яшаш учун ҳар ким ўзига ўзи шароит яратиши шарт эди.

Айни пайтда океаннинг нариги томонида унга хайрихоҳ тарзда Рональд Рейган сиёсат олиб борди. «Менинг иш кабинетимда Рональд Рейганнинг сурати осилган: Мен бу портретга қараб, биз нима учун курашишимиз кераклигини идрок қиламан» дейди бош вазир.

Маргарет Тетчер бамисли янги ғоялар билан суғорилган консерваторлар партиясининг Бўрон қуши эди. У ўз халқига, ўз миллатига парвоз этиш йўлларини кўрсатди.

Бутунлай издан чиққан ишлаб чиқариш ва саноатни йўлга қўйиш мақсадида Маргарет Тетчер монетар — якка ҳокимлик бошқарувини жорий этди. Бу қалтис йўлда унга баққол отаси ва куюнчак ишбилармон эрининг иш тажрибаларини ўрганиш жуда қўл келди. Бироқ мамлакатни мураккаб ва оғир вазиятдан олиб чиқиб кетиш осон бўлмади. Айни пайтда ниҳоятда авж олган ишсизлик ва пул инфляцияси ҳам «темир хоним»нинг иродасини эговлаш учун омил бўлди. Бироқ у бўш келмади. Фон Хайек ва М. Фридмен назарияларига асосланиб, ўзининг темир қонунларини жорий қилишда давом этди. Шундай қилиб, 1981 йилнинг кузида унинг бош вазирлик даражаси рейтингги 28 фоизга тушиб кетди. Бу анча катта миқдор эди. Бироқ шунга қарамай, Маргарет Тетчер ғалабага, муваффақиятга бўлган ишончини йўқотмади. Курашни давом эттирди.

Фолкленд ороллари нинг тақдири хавф остида турган бир пайтда 1982 йилнинг баҳорида Аргентинада юз берган ҳарбий тўнтариш айни муддао бўлди. Фолкленд ороллари аргентиналиклар чангалидан асраб қолар экан, Маргарет Тетчер Уинстон Черчеллнинг муносиб меросхўри эканлигини исботлади ва бош вазирнинг обрўси кўз илғамас даражада кўтарилди. Бу вақтда иқтисодиётдаги қайта қуриш ҳам ўз натижаларини бера бошлаган эди. Солиқларнинг кескин камайтирилиши, ўндан ортиқ нуфузли давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши ҳам Англияни иқтисодий танглиқдан қутқаришда ўз самараларини бердики, бу омиллар 1983 йилда ўтказилган сайловларда Маргарет Тетчернинг ғалаба қилиши учун асос бўлди.

Энди нафақат иқтисодий ҳаётга, балки инсон шахсиятига ҳам ўз зўгумини ўтказаётган касаба уюшмалари фаолияти билан ҳисоб-китоб қиладиган пайт келди. Маргарет Тетчер энг аввало касаба уюшмаларига қарши кўзғолонларда қўлга олинган ишчи-маҳбуслар меҳнатига асосланган ёпиқ цехлар ишини тақиқлашни режалаштирди. Кейинроқ касаба уюшмаларига сайловларни яширин овоз бериш билан ўтказиш масаласини кўтарди. Сўнгра бир неча ўнлаб эскирган шахталарни ёпиш муаммолари ҳал қилинди. Негаки, ҳукумат раҳбари халқни доимий таъминлаб туриш учун ёқилғи заҳираларини анча илгарироқ ғамлаб қўйдирган эди.

Бироқ мамлакатдаги ижтимоий-маънавий муҳит доимий иш ташлашларга ва норозилик кайфиятида юришга кўникиб кетган шахтёрларни қониқтирмади. Ҳамиша Вазирлар Маҳкамасига қарши чиққан шахтёрлар касаба уюшмалари қўмитаси 51 ҳафтага чўзилган иш ташлашлардан сўнг ниҳоят 1985 йилнинг мартида Англия ҳукуматига расман таслим бўлди.

1987 йилда Маргарет Тетчер XX аср Англия тарихида мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди — кетма-кет уч марта ўтказилган парламент сайловларида ғалаба қилди. «Темир хоним» тўртинчи марта ҳам тантана қилишига ишонган эди. Бироқ 1990 йилнинг кузида ҳали сайлов муддати ниҳоясига етмай туриб Маргарет Тетчер Даунинг-стритдаги қароргоҳини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бу ҳодиса бош вазирнинг йўл қўйган хатоси ёки мағлубияти эмас, балки ичидан чиққан илонлар — ҳаммаслаклари — консерватик партия аъзоларининг Вазирлар Маҳкамасидаги раҳнамолари кўтарган фитна оқибатида амалга ошди. Уларга Маргарет Тетчернинг кейинги вақтдаги тутган йўли ва иш юритиши ёқмай қолган эди. Қолаверса, у ўз олдига қўйган мақсадларини узил-кесил уддалаган эди. Табиийки, ҳукумат раҳбарининг (айниқса, у аёл киши бўлса!..) кушандалари кўп бўлади. Улар Британия боғларида Тетчер етиштирган меҳнат меваларини унингсиз тановул қилиш талвасасига тушиб қолгандилар.

Мамлакатни қайтадан гуллатиш учун «Темир хоним»га бор-йўғи 10 йил кифоя қилди. Бу вақт мобайнида давлат тасарруфидаги мулкнинг тенг ярми хусусий қўлларга ўтди. Бу тадбир натижасида Англия 30 миллиард фунт стерлинг атрофида фойда кўрди, акция эгалари 11 миллион кишини ташкил этди. Натижада хусусий мулкдорлар, шахсий уй эгалари 55 фоиздан 66 фоизга қадар кўтарилди. Бу ўзгаришларнинг барчаси мамлакатдаги юқори даражадаги турли солиқларнинг кескин камайтирилганлиги ҳисобига юз берди.

«Тетчеризм сиёсати»нинг изчил тадқиқотчиларидан бири россиялик олим С.Перегудов Маргарет Тетчерга нисбатан ижтимоий сиёсатдаги мувозанатни бузганлиги ҳақидаги айбловларни қаттиқ қоралайди. Аниқ маълумотларнинг тасдиқлашича, Тетчер даврида маорифни ривожлантириш учун сарфланадиган харажатлар кўтарилди, нафақалар уч баравар миқдорда кўпайтирилди. Соғлиқни сақлаш учун белгиланган маблағлар ҳам деярли 50 фоизга ошди. «Темир хоним» қаттиққўллик билан, бироқ халқ манфаати, ватан тараққиёти учун тўғри йўналтирилган оқилона сиёсат олиб борди. Давлат фақат ногиронларнигина муҳофаза қилишни зиммасига олди. Ўз меҳнати, ўз шахсий кучи билан яшовчи инсонларни ҳар жиҳатдан рағбатлантирди, қўллаб-қувватлади. Консерватик партия моҳиятини янги ғоялар билан бойитди, янгича руҳ, янгича кўриниш берди. Ибратли ўтмиш билан тараққиёт чўққиларига кўтарилаётган бугунни ва келажакни бир-бирига узвий равишда боғлаб яшаш тенденцияларини илгари сурди.

Маргарет Тетчер Буюк Британиянинг халқаро миқёсдаги нуфузини мислсиз даражада ўстирган сиёсатчи-ислоҳотчи сифатида тарихда қолади. Унинг ҳукумат тепасидан кетганига ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳозир ҳам сиёсий минбарларда унинг номи тантанавор руҳда жаранглаб турибди.

Айни вақтда Буюк Британия ҳукумати тепасида турган Тони Блэр ҳам анъанавий лейбористик қарашларга нисбатан Маргарет Тетчер ғояларига хайрихоҳ ҳаракатлар олиб бормоқдаки, унинг сўқмоқларини ҳалигача четлаб ўтолмаяпти. Негаки, Тетчер инқироз ботқоғига ботаётган Англияни бор-йўғи 10 йил ичида тараққиёт босқичига кўтаролган буюк ислоҳотчидир.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади**

ЁН ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР

УНУТИБ БЎЛАДИМИ?..

Матбуотимиз дарғаларидан бири барчамиз учун қадрдон, азиз, оташқалб, журналист Холбек Ёдгоровдир. Унинг ҳаёт йўли газетачиликдан бошланди, умрининг сўнгги ҳам шу даргоҳда хотима топди. Қарийб 60 йил матбуотимиз бешигини тебратди. Унинг мақола, очерклари, публицистик чиқишлари шу йиллар давомида газета, журналлар саҳифасидан тушмади. Ҳа, у баркамол истеъдод эгаси, забардаст қалам соҳиби эди.

Холбек Ёдгоров 1914 йил Марғилонда таваллуд топди. Инқилобдан кейинги энг оғир, очарчилик йилларида шаҳарда очилган етимхонада не қийинчиликларни кўрмади. Буюк шоиримиз Фафур Ғулом: «Етимлик нимадур, бизлардан сўра» деганидек, Холбек ака баъзан ўша йиллари газетанинг муҳаррири атоқли шоир ва журналист Акмал Пўлат эди.

Холбек Ёдгоров (ўнгдан биринчи) таҳририятга келган ҳиндистонлик меҳмонлар билан. *(Редакция архивидан)*

Ўша-ўша тақдир тақозоси билан Холбек Ёдгоров бир умрга журналистика даргоҳида қолиб, ундан ҳеч қаергa чиқиб кетмади, кетолмасди ҳам. Чунки, Холбек ака газета учун туғилган, шу касбни жондан севган, журналистика фарзандларидан эди. Ёшлар газетасидан «Ўзбекистон овози»га адабий ходим, бўлим мудири, кейин бир қанча йиллар журналда бош муҳаррир, сўнг яна «Ўзбекистон овози»да турли лавозимларда ўзини кўрсатди ва 65 ёшида ишлаб турган жойида ижодий камолот ёшида, тўсатдан вафот этди.

Холбек Ёдгоров «Ўзбекистон овози» газетасида йигирма йилдан ортиқ муҳаррир ўринбосари лавозимида жон куйдириб ишлади. Яхши ташкилотчи, меҳрибон мураббий, моҳир қалам соҳиби, яхши маслаҳатчи сифатида ҳурмат қилардик уни. Мавзу танлаш, ҳаётнинг энг долзарб масалаларини журналистларга хос зийраклик билан тушуниб етиш, шу билан бирга ана шу мавзуларда жанговар публицистик мақолалар ёзиб барчага намуна кўрсатиш — қалам соҳибининг камолидан далолат эди.

«Ўзбекистон овози» газетаси унинг иккинчи уйи бўлган эди, десак хато бўлмас. Эрталабдан то кечгача тиним билмасди: ҳали босмахонага тушиб, газета саҳифалаш жараёнининг устида турар, ёш журналистлар битган мақола, фельетонларни кўриб, ҳатто уларни ёнига ўтқазиб олиб таҳрир этар, муҳаррир ўринбосари сифатида саҳифалар ўқир, хуллас, унинг кун тартиби, иш услуби газетачиликдаги ана шу хилма-хил жараёнларни ўз ичига олар эди.

Газета жамоаси Холбек акани жуда ҳам севарди, ҳурматикром этарди. Унинг атрофида иқтидорли ёш журналистлар ҳамиша гирди-капалак, гўё улар билан ака-ука бўлиб кетгандек туюларди менга. Восиқ Маҳкамов, Абдукарим Набихўжаев, Эътибор Охунова, Жўравой Холқосимов, Одил Абдураҳмонов, Абдуллажон Абдуқодиров, Муҳиддин Жалоловлар унинг яқин касбдошлари, содиқ шогирдлари эди. Баъзан уларнинг жуда ҳам яқин дўстлигига, бир-бирлари билан елкадош бўлиб ишлашларига ҳавасим келарди. Бундай жипслик, дўстлик, ҳамжиҳатлик билан тоғни ҳам талқон қилиш мумкин. Ахир газета ижод майдони-ку, ана шу даргоҳда бир-бирларидан ўтарга мусобақа қилаётган журналистларга бош-қош, муаллим, устоз Холбек аканинг ўзлари десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Боз устига ғоят хушчақчақ, қачон кўрсанг хоналарга кириб ёшлар билан ҳазил-хузул қилишлари, кулиб туришлари, шохмот ўйнашлари, баъзан панд-насиҳатлар қилишлари, савлат тўкиб таҳририятни тўлдириб юришларини ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз.

Бир куни шундай воқеа бўлди. Ўшанда биринчи қор ёққан эди. Яқин ҳамкасб дўстлари, шогирдлари унга ҳазил қилиб «Қорхат» ёзишгани ёдимда. Холбек ака ўта зийрак, кўзингизга қараб нима демоқчи эканлигингизни билиб оларди. Йигитлар ҳам усталик қилиб «Қорхат»ни ленотип машинада териб газетанинг тўртинчи саҳифасига қўйиб чиқаришган. Бек ака деган ўз касбининг устаси, газета саҳифаловчиси бўларди. «Қорхат»ни тўртинчи саҳифанинг, энг кўримли жойига қўйиб, муҳаррирга ўқишга чиқарган. Холбек ака телефонда гаплашиб турганда, Абдукарим Набихўжаев кириб: «Муҳаррир банд эканлар, шуни ўқиб берар эксанз» деб саҳифани столга қўйиб чиқиб кетган. Холбек ака синчковлик билан саҳифани ўқий бошлайди. Кейин кўзи «Қорхат»га тушиб, ҳайрон бўлади. Кейин масалага тушуниб қолиб, Абдукаримнинг хонасига кириб шов-шув кўтаради. Кейин қарайдиларки, ҳамма иш ўрнига қўйилган, камчилик йўқ, худди рисоладагидек. Энди рози бўлишдан бошқа иложлари қолмайди. Шундан сўнг зиёфат куни белгиланди. Холбек акани «эритиш» жуда ҳам мушкул иш. Зеро, ўшанда йигитлар боплаб қўлга туширишган. Лекин шуни айтиш керакки, Холбек ака меҳмон кутишда жуда ҳам ҳотамтой эдилар. «Қорхат»нинг зиёфати жуда ҳам зўр ўтган. Жамоа узоқ вақтгача ўша саховатли меҳмондорчиликни мамнуният билан мақтаб, эслаб юришди.

Газетанинг эллик йиллиги нишонланадиган бўлдию, таҳририятда шу сана муносабати билан газета босиб ўтган йўлни акс эттирувчи китоб ёзиш масаласи қўйилди. Шунда бутун таҳририят аъзолари бир овоздан бу масъулиятли иш Холбек Ёдгоровга топширилсин, деб қарор қилди. Чунки Холбек ака газетада узоқ йиллар ишлаган, газета тарихининг жонли гувоҳи. «Шундан кейин Холбек акага иш топилиб қолди — қачон кўрсангиз газеталар ичида ўралашиб кундузни кечага улаб материал йиққани-йиққан. Ким кўп, Холбек аканинг дўстлари, биродарлари, ўртоқлари. Улар кунора келишиб отахоннинг эшиги тагида пойлаб ўтиришарди. Кейинги вақтларда улар ҳам Холбек аканинг бандлигини билиб, келишмай қўйишди...» — деб ёзилган эди «Нурли йўл» китоби сўзбошисида. Шундай қилиб юбилей кунига қадар отахоннинг «Нурли йўл» рисоласи босилиб чиқди. Китоб журналистлар томонидан яхши баҳоланди. Бу Холбек аканинг журналистика тарихига бағишланган биринчи китоби эди.

Шундан кейин Холбек Ёдгоров материаллар, эсдаликлар тўплаб иккинчи китоб устида ишлай бошлади. Сербарака, тезкор, изланувчан қалам соҳиби мазкур эсдаликларга «Ҳаёт тўлқинлари» деб сарлавҳа қўйди. Унда юздан ортиқ моҳир журналистлар, жуда кўп матбуот ходимлари, мухбирлар, муаллифлар ҳақида ибратли ҳаёт саҳифалари битилган. Миллий журналистикамиз тарихини акс эттирган ҳар иккала китоб, мана бир неча йилдирки, кенг китобхонлар қўлидан тушмайди, ёш журналистлар учун дастуриламал бўлиб келмоқда.

Холбек Ёдгоров катта оиланинг отаси. Атоқли журналист, газета муҳаррирининг биринчи ўринбосари бўлсалар ҳам уйларида меҳрибон ота, оила бошлиғи, болаларининг иқтидорли падари эдилар. «Минг катта одам бўлсанг ҳам, оилада болаларингни отасисан, сени суйган аёлнинг турмуш йўлдошисан», дердилар отахон кўпинча арз билан оиласидан шикоят қилиб келган аризачиларга.

Яқинда «Ҳуррият» газетасида журналист Шукур Жабборовнинг «Ўтган кунлар»нинг давоми» сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдим.

Назаримда бу ҳеч асосланмаган, ўйланмай ёзилган фикрлардир. Мазкур газетанинг ўзида куни кеча эълон қилинган атоқли олим Наим Каримовнинг «Санъат сеҳри» мақоласида муаллифга жуда ўринли жавоб берилган деб ўйлайман.

Холбек ака машаққатли, аммо мазмунли ҳаёт мактабини ўтди. Журналистикамиз учун ҳеч ёддан чиқмайдиган саховатли, ғоят савобли ишларга қўл урди. Баъзан «Ўзбекистон овози» газетасига бориб унинг хоналарига кирганимда, коридорларида юрганимда кўз олдимда отахон журналистнинг қиёфаси гавдаланади, гўё у ҳаётдек туюлади менга. Ахир уни унутиб бўладими! Қани энди истиқлолимизнинг шу нурли, озод, эркин даврида бир мўъжиза рўй берса-ю Холбек ака ҳаёт бўлса, мустақиллигимизни шарафлаган, ардоқлаган мақолалар битган бўларди. Ҳа, азизлар газета бешигини тебратиб ўтган устозларимизни ҳамиша ёд этиб, руҳиятини шод этайлик. Бу дунёдаги энг савоб, саховатли ишдир.

■ **Мақсуд ҚОРИЕВ**

Юртимизда истиқомат қилаётган барча ватандошлар диққатига!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

2001 йил 20 декабрдан эътиборан 31 декабргача бўлган давр мобайнида, 6 ой муддатга очилиб, йиллик 50 фоиз даромад тўланадиган янги, бетакрор

«МУҚАДДАС ЗАМИН»

омонат турини таклиф этади.

Сиз, ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни биринчи бор қирқ беш кун ҳисобидан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб туришингиз мумкин.

«ПАХТА БАНК»

Сизларнинг меҳнатингизни қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди!

«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ИЛМУ ҲИКМАТ — СУВНИ ЁНДИРАР

ЗАРРАЛАРНИ «УШЛОВЧИ» МИКРОСКОП

Японияликлар дунёни лол қолдиришда давом этмоқда. Кунчиқар мамлакати олимлари дунёдаги энг кучли микроскоп яратдилар. «Олимпус когаку когио» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган бу қурилма одатдаги микроскоплардан фарқли равишда молекулаларни катталаштириб кўрсатмайди. У молекулани «ушлаб» кўради ва умумий кўринишини аниқлайди. Қаттиқ металлардан ясалган ва миллиметрнинг миллиондан биригача бўлган масофани ўлчай олиш имконини берувчи махсус игналар микроскопнинг «қўллари» ҳисобланади. «Олимпус» молекулаларни бўлиш имкониятига ҳам эга. Мутахассисларнинг айтишича, мазкур қурилма дори-дармонларнинг янги турларини ишлаб чиқаришда жуда қўл келиши мумкин.

ҚАДИМ ҲИНД УСУЛИ

Буюк Британиянинг Нортрумбия университети микробиологи Роб Рид сув тозалашнинг энг осон ва муҳими, арзон усулини ўйлаб топди. Олимнинг айтишича, бунинг икки усули бор. Биринчисида сув кислород билан бойитилади. Яъни, сув кислородли идишга солиниб, бир қанча вақт чайқаб турилади. Иккинчи усул қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган экан. Қадимги ҳиндлар сувни усти очиқ идишга солиб узоқ вақт давомида турли дуоларни ўқиган. Олимларнинг айтишича, сув дуолар ёрдамида эмас, балки қуёш нури таъсирида тозаланган. Тўғри, ҳозирча бу усул амалда исботини топгани йўқ, лекин тадқиқотлар авжида.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилларининг айтишича, агар инглиз олиминнинг изланишлари ижобий натижа берса, сув тозалаш соҳасида ҳақиқий инқилоб юз беради. Негаки, ҳар йили уч ярим миллионга яқин бола тоза ичимлик суви танқислиги туфайли дунёдан кўз юммоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «VALSER» МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.** Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Қоғон туман партия кенгаши биринчи котиби **Азиз АҲМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХДП Жиззах вилоят кенгаши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ўктам Орипович ОРИПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

ЎзРФА Тарих институти жамоаси таниқли олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик **Раҳима Ҳодиевна АМИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласи ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Shuhratjon TO'PAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 20.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA